Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2011 йил 24 май, № 101 (5268) Сешанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 май куни Оқсаройда БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Ҳелен Кларкни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон БМТ Тараққиёт дастури фаолиятини юксак қадрлашини таъкидлади. Тараққиёт дастури БМТнинг ривожланиш соҳасидаги глобал тизими бўлиб, бутун дунё бўйлаб аҳоли турмушини яхшилаш мақсадида янгиланишларни қўллаб-қувватлаш, билим манбалари, амалий тажриба ва ресурслардан фойдаланишга имкон яратиш билан шуғулланади.

Ўзбекистон БМТ аъзоси сифатида халқаро ва минтақавий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Президент Ислом Каримов БМТ минбаридан бир неча бор халқаро ҳамжамият эътиборини бугунги куннинг долзарб масалаларига қаратди. Жумладан, давлатимиз раҳбари БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни ҳамда изчил тараққиётни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари устувор вазифалардан эканини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш борасида Ўзбекистоннинг ўз модели изчил амалга оширилмоқда. БМТ Тараққиёт дастурининг асосий мақсад ва вазифалари ўз мазмун-моҳиятига кўра бунга ҳамоҳангдир.

БМТ Саммитидан сўнг Ўзбекистонда 2011 — 2015 йилларда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси тасдиқланди. БМТ агентликларининг БМТ Бош котибининг ўтган йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича тайёрланган Орол денгизи инқирози оқибатида зарар кўрган аҳолининг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш бўйича қўшма дастурини амалга ошириш ҳамкорликнинг яна бир устувор соҳасидир.

Ўзбекистонда бугунги кунда БМТ Тараққиёт дастурининг ижтимоий-иқтисодий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига оид 30 дан ортиқ лойиҳаси амалга оширилмоқда, яна 8 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ҳелен Кларк самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикасининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгиланган асосий вазифаларни бажариш борасида эришаётган ютуқларига юксак баҳо берди.

Очиқлик ва ўзаро манфаатдорлик руҳида ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан БМТ Тараққиёт дастури ўртасидаги муносабатлар, жорий қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва янгиларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).
Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тарихида яна бир аҳамиятли воқеа бўлди. Ушбу ташрифнинг амалга оширилиши ва натижаларини нафақат мамлакатимиз экспертлари, балки хорижий давлатларнинг сиёсий, эксперт-таҳлилчи ва ишбилармон доиралар вакиллари ҳам катта қизиқиш билан кузатиб бордилар.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОННИНГ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИГИ

Ўрта ва Жанубий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади

Дунё нигоҳи

Хусусан, **Австрия Миллий кенгаши фахрий аъзоси В. Принц**нинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўз минтақаларида муҳим ўрин тутувчи мамлакатлардир ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, чуқурлаштириш, шубҳасиз, Ўрта ҳамда Жанубий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

"Сиёсий ҳамкорликни чуқурлаштиришга доир масалалар билан бир қаторда, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни жадаллаштириш музокаралар кун тартибига қўйилган асосий мавзуни ташкил этди. Туризм соҳасида имзоланган бир қатор битимлар мамлакатларнинг турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканидан дарак беради", дея фикрини якунлади В. Принц.

Вена университети профессори Г. Крамл, Ўзбекистоннинг Ҳиндистон каби ўз минтақасида хавфсизлик гарови экани, доимо қўшни мамлакатларга нисбатан тинчликпарвар сиёсат юритиб келаётган ушбу икки муҳим мамлакат саъй-ҳаракатларининг ўзаро мувофиқлаштируви билан изоҳланади, дея таъкидлади.

Профессорнинг фикрича, айнан ушбу омил, авваламбор, минтақавий ва глобал хавфсизликнинг кўплаб масалалари бўйича Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг қарашлари ўзаро мос эканлигини англатади.

Австриянинг собиқ мудофаа вазири Г. Крунеснинг қайд этишича, Президент Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифини Австрияда катта қизиқиш билан кузатиб боришди. Унинг фикрига кўра, мазкур ташриф Тошкентнинг дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини йўлга қўйиш борасида юритаётган прагматик сиёсатининг амалий маҳсулидир.

"Президент Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифи икки томонлама ҳамкорликнинг барча соҳаларида алоқаларни янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этади", дея таъкидлади **Ўзбекистон Республикасининг Осака шаҳридаги фахрий консули Т. Тоура.** У бугунги кунда ўзаро англашув ва ишонч руҳида тобора мустаҳкамланиб бораётган Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги икки томонлама алоқалар узоқ тарихга эга эканига урғу берди. Эксперт Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро бири-бирига мутаносиб бўлган муносабатларнинг янада мустаҳкамланиши ҳамда кенгайиб бориши Ер юзида тинчликни таъминлаш ва сақлашга ўз ҳиссасини қўшажагини қайд этди.

Фахрий консулнинг таъкидлашича, БРИКСга аъзо давлатлардан бири бўлган Ҳиндистон халқаро майдонда муҳим аҳамиятга эга ва шу боис Т. Тоура Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан ҳар томонлама мулоқотни чуқурлаштиришини қўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● Хўжаобод туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Муҳаммаджон Эгамов ўзи раҳбарлик қилаётган корхонага хориждан гўштни қайта ишлайдиган замонавий технологик линия келтириб, ишга туширди. 10 га яқин киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада дастлабки 15 миллион сўмлик колбаса маҳсулотлари эл дастурхонига етказиб берилди.

● **Оролбўйи марказида банкнинг 30 миллион сўмлик кредити эвазига "Нукус-Дилиша" хусусий корхонаси иш бошлади. Айни пайтда бу ерда хорижнинг илғор технологиялари ёрдамида етти турдаги музқаймоқ маҳсулотлари тайёрланмоқда.**

● Гулистон шаҳрида "Ўзбеклизинг" компанияси томонидан лизинг асосида сотиладиган хориж технологиялари намойиши ташкил қилинди. Унда чет элнинг 15 дан ортиқ фирма ва компаниялари ўзлари ишлаб чиқарган ускуна ва дастгоҳлари билан қатнашди.

● **Республика Байналминал маданият маркази ҳамда "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида ўтказилаётган дўстлик ва маданият фестивалининг Жиззах вилояти босқичи якунланди. Тадбир доирасида вилоятдаги миллий-маданий марказлар томонидан тайёрланган тасвирий санъат асарлари, фотосуратлар ҳамда ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлашда кузатувчилар иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан аҳолининг турмуш даражасини ошириш устувор вазифа сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу вазифа эса, авваламбор, аҳолининг муносиб атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи билан кафолатланиши лозим. Бинобарин, табиат инсон ва ҳаёт ўртасидаги зарурий ҳамда ажралмас бўғиндир. Шу маънода, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида қайд этганидек, "экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади".

Дарҳақиқат, инсон табиатнинг онгли мавжудоти сифатида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиши зарур. Зеро, ўтмишда йўл қўйилган хатолар — табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиш ва уни бўйсундиришга уриниш бугунги кунда инсониятни экологик инқироз ёқасига келтириб қўйди. Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ҳамда ижтимоий хулқ-атвор андозаларини ўзгартириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир.

Бугунги экологик хавфсизлигимизга таъсир кўрсатаётган таҳдидлар бизнинг зиммамизга муҳим экологик-ҳуқуқий хусусиятдаги вазифаларни ҳал этишдек юксак ва айни дамда долзарб масъулиятни юклайди.

Мустақиллик йилларида юртимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва салбий оқибатларининг олдини олиш борасида муайян тажриба ортирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилаётганди.

Шу маънода айтганда, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг тузилганлиги бугунги даврнинг долзарб талаби ҳисобланади. Экоҳаракат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида экологик йўналтирилган ёндашув Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф-муҳит ва инсон саломатлиги ҳақидаги ғояларни қўллаб-қувватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларини бирлаштиришга йўналтирилгандир.

(Давоми 2-бетда).

Куни кеча Андижонда эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садолари барчани мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ташкил этилган байрамона тадбирга чорлади. Улуғ айёмга аталган мазкур тадбир "Ободлик кўнгилдан бошланади" деб номланди. Фестиваль сўнгги бир йил ичида бутунлай янгитдан барпо этилиб, бетакрор тус олган Ўзбекистон кўчасидан бошланди.

ОБОД ЭЛГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Маълумки, Президентимиз ўтган йили Андижонга ташриф буюрганида бу ердаги кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига алоҳида баҳо берган эди. Ана шундай эзгу чора-тадбирларнинг изчил давом эттирилишини таъминлаш мақсадида Юртбошимизнинг "Андижон вилоятида 2011 — 2015 йилларда тураржой массивлари коммунал инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Табиийки, юксак эътиборнинг амалдаги ифодаси бўлган ушбу ҳуқуқий ҳужжат андижонликларни яратувчанлик, юртни обод қилишдек хайрли мақсад йўлида бирлаштирди. Шаҳарнинг Амир Темур, Истиқлол, Бобур кўчаларида муҳташам бинолар қад ростлади. Шунингдек, 1320 дан зиёд аҳоли хонадони, сервис, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, иккинчи ва учинчи қаватлари эса тураржойларга айлантирилди. Кўп қаватли уйларнинг олд кўриниши, марказий кўчаларнинг тунги ёритиш мосламалари таъмирланди.

Гўзаллашиб, мафтункор кўринишга эга бўлган шаҳарга байраму тантаналар жуда ҳам ярашади. Ободликка юз тутган мазкур ҳудудларда фестиваль муносабати билан "Гуллар байрами" кўрик-танлови ташкил этилди. Чўғдек товланган анвойи чечаклар, турфа гуллардан жамланган турли ёзув ва сурат-лавҳалар, давлатимиз рамзлари, тинчлик тимсоли бўлмиш кабутарлар акс этган санъат асарлари, айниқса, Балиқчи, Жалақудуқ туманларининг иқтидорли ёшлари ижодига мансуб гулдасталар ўзига хослиги, ёрқин ранглар ва рамзий ифодаларга бой эканлиги билан барчани мафтун этди.

(Давоми 2-бетда).

ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" мажмуасида Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари корхоналарининг "Кичик бизнес ускуналари ва маҳсулотлари" халқаро кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда икки давлатнинг саксонга яқин ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулот ва хизматларини тақдим этмоқда.

Маълумки, Хитой ва Ҳиндистон Ўзбекистон билан алоқалари ҳар томонлама ривожланиб бораётган мамлакатлар сирасига киради. Йиллар давомида шаклланиб келаётган дўстона муносабатлар бугунги кунга келиб, янги босқичга кўтарилди. Бу айни пайтда Ўзбекистоннинг ҳар иккала давлат билан ўрнатаётган алоқаларида, юртимизда ушбу мамлакатлар ишбилармонлари, тадбиркорлари учун яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятларда янада яққолроқ кўзга ташланади. Жумладан, бугунги кунда республикамизда хитойлик сармоядорлар иштирокида 347 та корхона ишга туширилган бўлса, шундан 57 таси тўлиқ улар маблағлари асосида фаолият юритаяпти.

Кўргазма

Бундан ташқари, юртимизда Хитойнинг 64 та компанияси ўз ваколатхонасини очган бўлиб, иқтисодиётимизда "СИТИК", "Чайна Машинери Корпорейшн", "Хуавэй" сингари кўплаб таниқли корпорациялар, айниқса, фаол иштирок этмоқда. Икки давлат ўртасидаги шериклик алоқалари, ўз навбатида, савдо-иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти юксалишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2010 йилда ўзаро товар айланмаси 2 миллиард 850 миллион АҚШ долларидан ошгани фикримизнинг яна бир тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Халқимиз қадимдан ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос демократик бошқаруви — маҳалла тизимига эга. Дарҳақиқат, дунёнинг бирорта мамлакатида учрамайдиган маҳалла институтига истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан катта эътибор қаратилиб, обрўси қайта тикланди, ваколати кенгайиб, ҳаётимизда тутган ўрни юксалди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳалланинг ҳуқуқий мақоми "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи" сифатида белгилаб қўйилганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

ЙИҒИН КЕНГАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Айтиш лозимки, дастлабки йилларда маҳалланинг нуфузини ошириш мақсадида унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ўша йилларда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра, ҳозир маҳаллаларда аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этиш, фуқаролар ўртасида маданий-маърифий ишларни олиб бориш, оилаларнинг осойишталигини сақлаш, ҳудудларнинг озода ва кўркамлигини таъминлаш каби кўплаб хайрли юмушлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда фуқаролар йиғинларига сайловлар ўтаётган бир шароитда фуқаролар йиғини кенгашини шакллантириш долзарб аҳамият касб этишини қайд этиш лозим. Маълумки, фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар. Унда шу ҳудудда доимий яшаётган, вояга етган шахслар қатнашадилар. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишни унинг кенгаши ва фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) амалга оширади. Айни чоғда фуқароларнинг умумий (вакиллик) йиғилиши қонуний ваколатлари доирасида исталган масалани ўзи кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунига кўра, ҳар икки ярим йилда мунтазам ўтказилаётган сайлов натижалари асосида фуқаролар йиғини ўзининг ишчи органлари — фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси ва туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарча, қишлоқ ва овулларда маъмурий комиссияларини шакллантиради. Чунки йиғин кенгаши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бошқарувида алоҳида ўринга эга бўлиб, унга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОННИНГ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИГИ

Ўрта ва Жанубий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши Япония учун муҳим омил ҳисобланади. Хусусан, Япония мазкур икки давлат билан яқинроқ шерикчилик қилиши учун ўзаро ҳамкорликни янада жонлантирмоғи лозим. Зеро, кўплаб халқаро масалаларда ушбу мамлакатларнинг қарашлари бир-бирига мосдир.

"Seloga Petroleum Sdn.Bhd." компаниясининг ижрочи директори, Малайзиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Редзуан Кушайрининг айтишича, у Ўзбекистондаги фаолиятидан бошлаб, то бугунги кунга қадар республикада олиб борилаётган сиёсатни диққат билан кузатиб келмоқда. "Мен сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган изчил ва самарали ислоҳотларнинг гувоҳи бўлаяпман. Жамиятни демократлаштириш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган янгиланишлар ўзининг улкан самарасини бермоқда.

Шу маънода, Ҳиндистон компанияларининг Ўзбекистон билан тўқимачилик, фармацевтика, нефть ва газ ҳамда кимё соҳаларида сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришга, шунингдек, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилаётган имкониятларга қизиқиш билдиришлари табиий ҳолдир", дея таъкидлади Р. Кушайри.

— Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ёқилғи энергетикаси, ахборот технологиялари, тўқимачилик саноати, фармацевтика ҳамда банк соҳаларидаги иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор ҳужжатларнинг имзоланиши икки томонлама савдо-сотиқ ҳажмини оширишга имкон яратади, — деди **Малайзия плантация саноати ва хом ашё ресурслари бўйича вазир ўринбосари ҳамда Малайзия ҳинд конгресси партияси президенти Г. Паланивел.**

Унинг фикрича, 30 дан ортиқ лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, хусусан, углеводород хом ашёсини излаш ва қазиб олиш, "Навоий" ЭИИЗда оптик толали кабель ва турли хилдаги дори-дармонлар ишлаб чиқариш, пахта, ипак ва чарм маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш, тайёр моллар ишлаб чиқариш ва уларни истеъмол бозорига етказиб бериш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида смартфонлар, планшет компьютерлар ва интернет-мосламалар, шунингдек, қуёш-гибрид технологиялари асосида электр таъминот манбаларини ишлаб чиқаришга доир лойиҳалар юзасидан ўзаро битимга эришиш яна бир бор ушбу алоқалар томонларнинг манфаатларига мос эканидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга амалга оширган ташрифини шарҳлар экан, **Куала-Лумпур шаҳри ҳокими Аҳмад Фуад бин Исмоил** шуни алоҳида таъкидладики, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларнинг стратегик шериклик даражасига етгани иккала томоннинг ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, давлатлар ўртасидаги улкан салоҳиятни янада ривожлантиришга бўлган хоҳиш-истагини намойиш этади ҳамда ушбу муносабатларни ривожлантириш истиқболли эканини кўрсатади.

"Шуниси қувонарлики, Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим сиёсий, иқтисодий соҳаларда, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш, фан, ахборот технологиялари, туризм ва маданият соҳаларида икки томонлама муносабатларни фаоллаштиришни кўзда тутади.

Ўзбекистон эълон қилган нуқтаи назар Ҳиндистон Бош вазири М. Сингхга афғон муаммосини бартараф этиш ҳамда ушбу жараёнга Афғонистонга қўшни мамлакатлардан ташқари Россия, АҚШ ва НАТОни жалб этиш бўйича Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг асосли ва ўз вақтида бўлганига ишонч ҳосил қилишга имкон беради", дея таъкидлади ҳоким.

Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг минтақада гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний равишда тарқатилишини олдини олиш ҳамда нафақат мамлакатда, балки бутун минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари Ҳиндистон ҳукумати ва жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Россия сиёсий конъектура Марказининг ташқи сиёсат бўйича эксперти Е. Войко хоним Ўзбекистон раҳбарининг Ҳиндистонга амалга оширган ташрифи якунлари бўйича фикр билдирар экан, сўнгги ўн йилликда Ўзбекистоннинг энергия ресурслари экспортини диверсификация қилиш ва имкон қадар ўз шериклари доирасини, шу жумладан, Осиёда ҳам кенгайтиришга интилаётганини қайд этди. Бу маънода Ҳиндистон Ўзбекистон учун конларни қазиш ишларини олиб бориш ва умуман, геосиёсий ёндашув нуқтаи назаридан реал муқобил бўлиши мумкин.

"Ўз навбатида, Ўзбекистон юқори технологиялар соҳасидек муҳим йўналишда дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаган Ҳиндистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдордир", деди эксперт.

Шунингдек, у Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги масофани анча қисқартирувчи, юк ташиш харажатларини камайтирувчи ҳамда Афғонистоннинг минтақавий транспорт коммуникация тизимига интеграциялашувини таъминловчи халқаро трансафғон транспорт йўлаги қурилиши лойиҳасини тез фурсатда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Байрам тадбири Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам эрталабдан то оқшомга қадар давом этди. Бу ерда ёшлар учун миллий спорт ўйинлари беллашуви, турли кўргазмалар ва ёш мусиқачилар танлови ўтказилди.

"Боғи Бобур" мажмуасида эса водийнинг таниқли

ОБОД ЭЛГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

сўз усталари иштирокида "Кулги кечаси" бўлиб ўтди. Бедананинг сайроғига тўлган чойхоналарда аскияю қаҳ-қаҳа авжига чиқди. Шундан сўнг боғда дошқозонларда палов дамланиб, вилоят ошпазларининг беллашуви уюштирилди.

... Оқшом тушди. Байрам иштирокчилари муҳташам амфитеатрга таклиф этилдилар. Фестивалнинг якуний тантаналарида хонандалар ижросидаги концерт дастурлари, Ўзбек миллий академик драма театрининг маҳоратли актёрлари намойиш этган саҳна асарларини томоша қилганлар бирдек завқланиб, маънавий ҳордиқ чиқаришди.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлашда кузатувчилар иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Экологик ҳаракатига Олий Мажлис қуйи палатасидан 15 та депутатлик ўрни берилди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган бир қанча ўзгаришлар қаторида бўлажак сайловларда фуқаролар иштироки қўламини кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Шунинг ҳисобидан, аввало, атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги тамойил жорий этилди. Яъни мамлакат парламентидаги депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилди. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг узвий таркибий қисми бўлиб, сайлов қонунчилиги ҳамда сайлов амалиётининг жаҳон тажрибаси учун ўзига хос янгилик бўлди.

Юртбошимиз Ислом Каримов "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" мавзуидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, "Шу муносабат билан бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашишлари лозим".

Ушбу амалиёт экологик қонунчиликни узвий такомиллаштириб бориш ва уларнинг ижроси устидан доимий назоратни амалга ошириш имкониятини беради. Бу эса экологик қонунчиликдаги бўшлиқларни ўз вақтида тўлдириш ҳамда шу тариқа экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, барчамизга маълумки, парламентнинг олий давлат ҳокимият вакиллик органи сифатида давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни алоҳида эътиборга молик. Шундай экан, унда айнан атроф-муҳит ва экология масалалари билан шуғулланувчи депутатларнинг иштироки ушбу соҳани парламент фаолиятининг ажралмас ҳамда узвий йўналишига айлантиради.

Мазкур амалиёт, шунингдек, экологик қонунчилик ижросини мунтазам назорат қилиб боришни, зарур ҳолларда эса, унга тезкорлик билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш имкониятини таъминлайди. Қисқача айтганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология масалалари билан шуғулланувчи, бу борада алоҳида, махсус билим ва тажрибага, қизиқишга эга бўлган шахслар — Экологик ҳаракат аъзоларига депутат сифатида Олий Мажлис фаолиятида иштирок этиш имкониятининг берилиши мамлакатимиз раҳбарияти томонидан экология масаласига қаратилаётган юксак эътибор бўлиб, экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида "Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш"га оид бир қатор жуда муҳим ва айни вақтда амалдаги қонунчилигимизга киритилиши лозим бўлган таклифларни илгари сурди.

Чунончи, Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш ташаббуси илгари сурилди. Ушбу қонунчилик ташаббусини амалга ошириш мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилиши муқаррардир.

Шу маънода, қонунчиликка бир қатор ўзгартишлар киритиш, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси 4-бандини "Экоҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари конференцияларида Марказий сайлов комиссияси вакиллари иштирок этади. Экоҳаракатнинг Конференциясида кузатувчилар, шу жумладан, хорижий кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши мумкин", деган жумлалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу эса, ўз навбатида, Қонунчилик палатаси сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайловларнинг очиқ ва ошкора амалга оширилишини янада таъминлашга хизмат қилади ҳамда сайлов қонунчилигининг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ ҳолда такомиллашувига замин яратади.

М. НУРМАТОВ, юридик фанлар номзоди.

ЙИҒИН КЕНГАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

йиғиннинг масъул котиби киритилади. Кенгаш оқсоқол раҳбарлигида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг фаолиятини амалга оширади, кенгаш мажлиси йиғин раиси (оқсоқоли) томонидан заруратга қараб, ойида камида бир марта ўтказилади.

Фуқаролар йиғини кенгаши қарорлар қабул қилишда жамоавийлик тамойилга амал қилади. Маслаҳатчилар йиғин кенгаши аъзоси сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни шакллантиради ва улар фаолиятини бошқаради. Айни чоғда улар Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари билан сайловчилар учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилиш ва бошқа ваколатларини амалга оширишларига кўмаклашади. Шунингдек, фуқаролар йиғинига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни тавсия этиш ва халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш учун таклифлар тайёрлайдилар.

Бугунги кунда маҳалла кенгашлари «Оила — мактаб — маҳалла» концепцияси доирасида бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, болаларни оилавий спортга жалб этиш, фан тўғракларида билимларини оширишлари учун шароит яратиб беришга эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, маънавиятимизга ёт бўлган турли ғоялар таъсиридан, гиёҳвандлик каби иллатлардан асраш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасида ҳам кенг кўламли ишларни бажариб келмоқда.

Аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини тизимли равишда муҳофаза қилиш мақсадида маҳалланинг ички имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳомийларни жалб этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш, яъни бу ерда тадбиркорликнинг новвойчилик, сартарошлик ва косибчилик турларини ташкил этиш орқали оилалар даромадини ошириш ва аҳоли бандлигига эришиш, ўз навбатида, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мумкин.

Фуқаролар йиғинлари кенгашини муваффақиятли ташкил этиш маҳаллалар фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Шундай экан, шу кунларда давом этаётган сайлов жараёнлари билан бирга, ушбу ижтимоий-сиёсий тадбир бўлиб ўтган маҳаллаларда мазкур масалага ҳам эътибор қаратиш айни муддаодир. Зеро, "Кенгашли тўй тарқамас", деган мақол бежиз айтилмаган.

Б. ЮНУСОВ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти катта илмий ходими.

ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Бизнинг фаолиятимиз кўп тармоқли, — дейди Хитойнинг "Xinjiang Kangjia Investment Co. LTD" компанияси менежери Сун Гуанхуй. — Хусусан, айни пайтда компаниямиз тасарруфидаги металлургия, нефть, кимё, енгил саноат, қурилиш соҳасига ихтисослаштирилган йигирмага яқин филиалларимизда турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқараяпмиз. 1998 йилдан буён экспорт-импорт билан шуғулланаётган бўлсак, ўтган вақт мобайнида кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳам алоқа ўрнатишга муваффақ бўлдик. Кўргазмага эса кўплаб янги маҳсулотларимизни олиб келганмиз. Ўйлайманки, улар қатнашчиларда қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистон — Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Айни пайтда юртимизда ҳиндистонлик тадбиркорлар сармоялари эвазига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, қурилиш, сайёҳлик сингари соҳаларга ихтисослаштирилган 62 та корхона фаолияти йўлга қўйилгани, умуман, икки мамлакат ўртасидаги ўрнатилган савдо-иқтисодий алоқалар натижасида биргина ўтган йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 150 миллион АҚШ долларига етгани икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Ҳозир юртимизга ушбу мамлакатдан, асосан, фармацевтика, озиқ-овқат, қоғоз маҳсулотлари, механик ускуналар, терини ошлаш ва бўёқ экстрактлари импорт қилиниши билан бирга, бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кўргазмада ҳиндистонлик ишбилармонлар юртдошларимизни ўзларининг чарм-атторлик маҳсулотлари қаторида, ёғочсозлик, тошга ишлов бериш каби қўл меҳнати намуналари билан ҳам яқиндан таништирмоқда.

Халқаро кўргазма доирасида ташкил этилган семинар ва бизнес-форумлар юртимиз тадбиркорларининг ҳар икки давлат ишбилармонлари билан тажриба алмашишига шароит яратиш баробарида, шартнома имзолаш имконини ҳам беради. Демак, келгусида алоқалар кўлами бундан-да кенгайиб бораверади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: халқаро кўргазма фаолиятидан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Сўнгги йилларда азим пойтахтимиздан тортиб, юртимизнинг энг чекка вилоят, туман, шаҳар йўллари ободонлаштирилди. Шаҳарларимиз чиройига чирой қўшиб турган кенг, равон кўчалар, дилларни-дилларга боғловчи янги-янги кўприклар аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида хизмат қилмоқда. Обод юртимизнинг кўрку тароватига нафақат халқимиз, балки хорижлик меҳмонлар ҳам ҳайрат ва ҳавас билан боқишади. Албатта, бу улкан бунёдкорлик ишлари ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун давлат хазинасидан каттагина маблағлар ажратилди, замонавий, қудратли техникалар сотиб олинди. Бу ишлар ортида йўлсозларнинг тинимсиз меҳнати, машаққати, шижоати ётганини эслаб ҳам ўтиш жоиз.

Халқимизда йўл қуриш савоб иш, деган нақл бежиз айтилмаган. Шу боис ҳам истиқлолнинг илк йиллариданоқ йўлларни ободонлаштиришга катта эътибор қаратилди, ҳатто соҳани маблағ билан таъминловчи махсус жамғарма ҳам ташкил этилди. Бироқ орамизда йўл қуришдек хайрли ишлар учун ажратилаётган давлат маблағларини ўмариш билан шуғулланиб келаётган олғирлар ҳам борки, улар юрт ободлиги, эл фаровонлиги эмас, балки шахсий манфаат қайғуси билан яшайдилар.

ФОШ БЎЛГАН ҲИЙЛАЛАР

"Ўзавтойўл" ДАКга қарашли "Автомагистраль" ихтисослаштирилган автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш давлат бирлашмаси (ИАЙҚТДБ)нинг мансабдор шахслари ва корхона билан ҳамкор бўлган бир неча хусусий фирмалар раҳбарларининг бунёдкорлик йўлидаги қинғир ишлари Миллий хавфсизлик хизмати ва прокуратура идоралари томонидан фош этилди. Тошкент вилояти прокуратураси томонидан кўзғатилган жиноят иши бу қинғир ишлар бошида "Автомагистраль" ИАЙҚТДБни 2009 йил январь ойидан сентябрга қадар бошқарган, 1976 йилда туғилган Дилшод Абдуллаев турганини кўрсатди.

Назорат муассасалари томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги республика Йўл жамғармасидан ажратилган маблағларнинг "Автомагистраль" ИАЙҚТДБ тизимида самарали ва мақсадли сарфланиши таҳлил қилинганда, бирлашма раҳбарлари томонидан мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали жуда кўп миқдордаги давлат маблағлари ўзлаштириб юборилгани аниқланди.

..."Довермакс Мелтинг" МЧЖ 2007 йилдан буён "Автомагистраль" ИАЙҚТДБ билан ҳамкорликда ишлаб келади. МЧЖнинг асосий фаолияти металл маҳсулотларига қайта ишлов беришдир. Ҳаммаси 2009 йилнинг май ойида "Автомагистраль" бирлашмаси раҳбари Д. Абдуллаев ва МЧЖ раҳбари Шавкат Ҳожиевнинг *(жиноят ишининг унга нисбатан қисми алоҳида юритувга олинган)* учрашувидан бошланди. "Агар рози бўлсангиз, бир таклифим бор, — деган эди Д. Абдуллаев Ш. Ҳожиевнинг Бектемир туманида жойлашган хусусий фирмасига келиб. — Бирлашма объектларида қурилиш, таъмирлаш ишларини олиб бориш учун пул ўтказиб бераман. Сиз ана шу пулларни нақдлаштириб берсангиз, ўзингиз ҳам ўртада улушингизни оласиз". Ш. Ҳожиев бу таклифга ҳеч иккиланмай розилик билдирди. Негаки, йўл қуриш, таъмирлаш учун минглаб эмас, балки миллионлаб сўмлар ажратилишини у жуда яхши биларди.

2009 йилнинг июнь ойида "Автомагистраль" ИАЙҚТДБ ва Тошкент шаҳри, Чилонзор туманида жойлашган "Aliga trade" МЧЖ ўртасида шартнома имзоланади. Шартномага мувофиқ, ушбу МЧЖ буюртмачи корхона объектларида қурилиш ишларини олиб бориши кўзда тутилган эди ва шу сабабли республика Йўл жамғармасидан МЧЖ ҳисоб рақамига 250 миллион сўм пул ўтказилади. Аммо назарда тутилган объектда ҳеч қандай қурилиш, таъмирлаш ва механизм хизматлари кўрсатилмайди. Аслида Ш. Ҳожиевнинг пинҳона "таклифи" билан ташкил қилинган ушбу МЧЖнинг мақсади ҳам бутунлай бошқа эди. "Aliga trade" тадбиркорлари ҳисоб рақамларига келиб тушган пулларни бошқа бир хусусий савдо фирмасига ўтказиб, қурилиш моллари олишади ва уни бозорда нақд пулга сотиб юборишади.

"Aliga trade" МЧЖ раҳбари, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида яшовчи Алижон Муҳаммадиевнинг терговда кўрсатма беришича, у Тошкент шаҳрида ёлланма ишчи бўлиб ишлаб турган вақтида, унга нотаниш бўлган "Завқиддин" ва "Жамшид" исмли йигитлар *(жиноят ишининг уларга нисбатан бўлган қисми алоҳида ажратилиб, қидирув эълон қилинган)* унга икки миллион сўмлик иш таклиф қилиб, уни олиб кетишган. Шаҳар марказидан ижарага уй олиб бериб, ижара ҳақини ҳам ўзлари тўлашган. Сўнгра унинг номига "Aliga trade" МЧЖ ташкил қилишган.

Жиноятга жазо муқаррар

Тадбиркор ниқобидаги ҳийлакор — "Завқиддин" ва "Жамшид"лар сотилган молларнинг бир қисми, яъни 20 миллион сўмини ўзларида олиб қолиб, 230 миллионини Ш. Ҳожиевга етказадилар. Ш. Ҳожиев эса ундан ўз улушини олиб қолиб, қолганини "Автомагистраль" ИАЙҚТДБ бошлиғи Д. Абдуллаевга олиб бориб беради. Сохта тадбиркорлар эса А. Муҳаммадиевнинг қўлига икки миллион сўм тутқазиб, жиноятдан из қолдирмасликмақсадида МЧЖга тегишли муҳр ва ҳужжатларни йўқ қилиб юборишни буюрадилар.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, "Aliga trade" манзилида яна бир жамият — "Чорсу савдо нур" МЧЖ пайдо бўлади. 2009 йилнинг 12 сентябрь куни "Автомагистраль" ИАЙҚТДБ билан юқорида номи қайд этилган жамият ўртасида бирлашма объектларида қурилиш ишларини бажариш бўйича 150 миллион сўмлик шартнома имзоланади. Жамият ҳисоб рақамига 130 миллион сўм маблағ ўтказилгач, ушбу пуллар ҳам савдо корхоналарига ўтказилади. Савдо корхоналаридан олинган турли хилдаги қурилиш материаллари яна бозорда нақд пулга сотилади. МЧЖ раҳбари Акбарали Туропов савдодан тушган 130 миллион сўм пулнинг 13 миллион сўмини ўзида қолдириб, қолган 117 миллионини Ш. Ҳожиевга келтириб беради. Ш. Ҳожиев ҳам ўз улушини олиб қолиб, қолганини Д. Абдуллаевга етказиб беради. Жамиятга тегишли барча ҳужжат ва муҳрларни йўқ қилиш орқали А. Туропов жиноят изларини беркитади.

"Автомагистраль" ИАЙҚТДБ ва "Нафис Принт", "Абофиум Бизнес" МЧЖлари ўртасида имзоланган шартномаларга кўра, "Нафис Принт" бирлашма қурилиш объектлари учун 17 миллион сўмлик эҳтиёт қисмларини етказиб бериши ва 177 миллион сўмлик, "Абофиум бизнес" 33 миллион сўмлик қурилиш ишларини олиб бориши кўзда тутилган эди. Аммо юқорида номлари келтирилган МЧЖ ҳисоб рақамларига пул маблағлари келиб тушгач, унга турли хилдаги қурилиш материаллари олиниб, нақд пулга сотилади. Савдодан тушган пуллар эса бирлашма ҳамда МЧЖ раҳбарлари ўртасида ўзаро тақсимланади.

Терговга тақдим этилган бирлашма тизимидаги текшириш натижаларига кўра, ҳатто бажарилган ишларга ҳам механизм хизматлари қўшиб ёзилиши оқибатида каттагина маблағлар ўзлаштирилишига эришилган. Хусусан, "Қорасув — Бўка — Бекобод" автомобиль йўлининг 4 — 25 ҳамда 63 — 67-километрларида бажарилган таъмирлаш ишларига жами 59 миллион сўмлик иш ҳажми қўшиб ёзилган. "Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз" автомобиль йўлининг 806 — 815-километрларида бажарилган таъмирлаш ишларида ҳам 39 миллион 761 минг сўм иш ҳажми ортиқча ҳисобланган. "Оҳангарон — Гулистон" автомобиль йўлининг янги йўналиши бўйича амалга оширилган ишларга қўшиб ёзиш натижасида 158 миллион 120 минг сўмлик давлат мулки талон-торож қилинган.

Д. Абдуллаев мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, муқаддам қонунга зид тузилган лизинг шартномаларини тўлиқ ўрганиб чиқмасдан қўшимча шартномалар тузган. Асосийси, бирлашманинг юқори ташкилоти ҳисобланган "Ўзавтойўл" ДАКнинг рухсатисиз ҳамда тендер танловларини ўтказмай, ҳуқуқшунос хулосасини олмасдан, тўғридан-тўғри шартнома тузиб, техника воситаларини сотиб олган ва натижада давлат маблағларининг мақсадсиз сарфланишига йўл қўйган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судида судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланди, жиноят ишида тўпланган далиллар, ўтказилган назорат ишлари хулосалари батафсил ўрганиб чиқилди. Суд ҳукмига кўра, А. Муҳаммадиев 5,5 йил, А. Туропов 5 йилу 3 ой, Д. Абдуллаев 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жиноят ишига алоқадор бирлашманинг яна икки нафар масъул ходимига нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди. Д. Абдуллаев ва унинг жиноий шериклари томонидан етказилган жами 761 миллион сўм маблағни солидар тартибда республика Йўл жамғармаси фойдасига ундириш тўғрисида ҳукм эълон қилинди.

Д. Абдуллаевни катта бир жамоага раҳбар этиб тайинлашганида, унинг ёш мутахассислардан бири экани, ишчанлик, талабчанлик сифатлари назарда тутилган, юрт ободлиги, бунёдкорлиги йўлида ўзининг бор куч-ғайратини сафарбар этади, дея умид боғлашган эди. Афсуски, у зиммасидаги масъулиятни — бу лавозимга у нима учун тайинланганини жуда тез унутди. Ҳаромдан ҳазар қилмади. Оқибатда эса нопок йўл уни жиноятга олиб борди. Жиноятга эса жазо муқаррар.

Ш. ЖУМАЕВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сузувчи корхона

Нефть ва газ соҳасида фаолият олиб борувчи жаҳонга машҳур “Royal Dutch Shell” (Англия/Нидерландия) компанияси табиий газ қазиб олишга ихтисослаштирилган янги корхона қурмоқчи.

Қизиғи шундаки, ушбу корхона сувда сузиб юриш имкониятига ҳам эга бўлади. Дунёда илк бор жорий этилаётган лойиҳага 8-15 миллиард АҚШ доллари атрофида маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Кунига уч миллиард кубометр газни қазиб олиш қувватига эга корхона Австралия қирғоқларидан 200 километр узоқликда фаолият бошлайди. У уммон қаъридан тортиб олинган газни қайта ишлаш учун Австралиядаги Прельюд конига етказиб беради. Мазкур корхона жойлашадиган улкан кема Жанубий Кореянинг “Samsung Heavy Industries” компанияси томонидан тайёрланмоқда. Танкернинг узунлиги 488 метр, оғирлиги эса 600 минг тоннага тенг бўлади.

Торнадо талафот келтирди

АҚШнинг Миссури ва Миннесота штатларида юз берган торнадо катта талафотларни келтириб чиқарди.

Хусусан, мазкур ҳудудларда 200 дан ортиқ бинога жиддий зарар етган. Талафотдан, айниқса, Миссури штатидаги Жоплин шаҳри жиддий зарар кўргани айтилмоқда. Бу ерда 11 киши ҳаётдан кўз юмган. Электр энергияси, ичимлик суви таъминоти издан чиққан ҳамда телефон алоқаси узилиб қолган. Шунингдек, Канзас-ситининг 16 та округида фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Жорий йилги баҳор мавсумида АҚШда торнадолар одатдагидан кўпроқ кузатилмоқда. Чунки бунгача Миссисипи, Луизиана, Шимолий ва Жанубий Каролина штатлари табиатнинг шундай синовини бошдан кечирганди.

Сейсмик фаоллик кузатилмоқда

Японияннинг Хонсю оролида 5,8 балли зилзила содир бўлди.

Табиий офат маркази мамлакат пойтахти Токиодан 89 километр узоқликда қайд этилган. Талафотлар ва қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Маҳаллий метеорология бошқармаси бир неча кун мобайнида мазкур ҳудудларда сейсмик фаоллик сақланиб туришини билдирди. Чунки Японияда зилзила рўй берган вақтда Индонезия ҳамда Тинч океанининг шимоли-шарқий ҳудудларидаги Кермадек ороллари ҳудудларида кучланиши беш баллдан кам бўлмаган ер силкинишлари қайд этилган.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси бекор қилинди

Венесуэлада биринчи марта ҳайдовчилик гувоҳномасини бекор қилишга қаратилган қарор чиқарилди.

Бунга 41 ёшли ҳайдовчи Рамон Паррнинг техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этмагани сабаб бўлди. Яъни у олти ғилдиракли автобусни бешта ғилдирак билан бошқариб кетаётган вақтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан тўхтатилган. Суд қарорига кўра, Рамон бир йил давомида ҳар қандай турдаги техника воситасини бошқаришдан маҳрум этилган.

Самолётлар қатнови тўхтади

“France 24” телеканалининг хабар беришича, Исландияда ҳаракатга келган Гримсвотн вулқони самолётлар ҳаракатига салбий таъсир кўрсата бошлаган.

Ундан ажралиб чиқаётган қуюқ тутуннинг баландлиги 20 километргача етгани туфайли пойтахт Рейкьявик шаҳридаги халқаро аэропортда парвозлар ўз вақтида амалга оширилмаган. Шунингдек, мазкур давлатга келаётган самолётлар Исландияга қўшни бўлган мамлакатларда қабул қилинган.

Мутахассислар яқин кунлар ичида вулқон Буюк Британия, Франция каби давлатлар авиақатновига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Авиасалон иш бошлади

Женевада иш бошлаган ўн биринчи анъанавий хизмат авиацияси кўргазмаси олдинги йилларга нисбатан анча самарали бўлиши кутилмоқда.

Сабаби, унда самолётсозлик соҳасида фаолият олиб бораётган 480 дан ортиқ компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Бу олдинги йилларга қараганда анча юқори кўрсаткичдир.

Экспертларнинг изоҳлашича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли катта қийинчиликка учраган соҳа компанияларининг яна даромад кўра бошлагани шундай ижобий натижага сабаб бўлган. Шунингдек, мазкур авиасалонда компаниялар энг кўп буюртмаларни Осиё ва МДҲ мамлакатларидан олиши тахмин қилинмоқда. Чунки жадал ривожланиш кузатилаётган ушбу давлатларда хизмат авиациясига бўлган талаб ҳам ортиб бораётир.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

СУВ – БЕБАҲО НЕЪМАТ

уни асраш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир

Бугун оммавий ахборот воситаларини кузатган киши сайёрамизда тоза ичимлик суви тақчиллиги билан боғлиқ вазият тобора кескинлашиб бораётгани ҳақидаги хабарларга тез-тез дуч келади. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки йилдан-йилга ер юзи аҳолиси сонининг ошиб боришига мос равишда обиҳаётга бўлган талаб ҳам ортмоқда.

Статистика маълумотларида қайд этилишича, дунёда яна юз йилга етадиган нефть захиралари мавжуд. Аммо тириклик манбаи бўлган ичимлик суви захиралари эса яқин 30 — 40 йил ичида тугаши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Ваҳолонки, бу муаммодан ҳозирданоқ айрим давлатлар жиддий азият чекаяпти. Дунё бўйича ҳар саккиз сонияда тоза ичимлик суви танқислиги ва сифатсиз сув истеъмоли туфайли бир нафар боланинг нобуд бўлаётгани бунинг исботидир.

Биласиз, сайёрамизнинг 75 фоизини сувли ҳудудлар ташкил этади. Аммо унинг атиги 2,5 фоизигина истеъмол учун яроқли деб топилган. Обиҳаёт захираларининг қарийб 70 фоизи абадий музликлар қаъридан “қўним” топган бўлса, қолган 30 фоизи дарёлар ва турли сув ҳавзалари ҳиссасига тўғри келади. Инсоният фойдалана олиши мумкин бўлган жами чучук сув захиралари эса бугунги кунда бор-йўғи 0,08 фоизни ташкил этади.

> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, 2030 йилга бориб, курраи замин аҳолиси 8,5 миллиард кишига етади. Бу, ўз навбатида, яқин йигирма йил ичида сайёрамизда сувга бўлган эҳтиёж яна 40 фоизга ошишини билдиради.

Албатта, бундай глобал тусдаги муаммолар халқаро ҳамжамиятни мудом ташвишга солиб келмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Рио-де-Жанейро шаҳрида “Атроф-муҳит ва тараққиёт” мавзуида бўлиб ўтган йирик конференциясида жаҳон ҳамжамиятининг эътибори сув муаммосига қаратилди. Унда ичимлик сувидан тежамкорлик билан фойдаланиш масалаларини йўлга қўйиш юзасидан таклифлар қабул қилинди. Чунки айни дамларда ҳам сайёрамизнинг 1,4 миллиард аҳолиси обиҳаётга муҳтож, 2,4 миллиард одам эса санитария талаблари даражасига мутлақо жавоб бермайдиган сувни истеъмол қилишга мажбур бўлмоқда. Энг ачинарлиси, тоза ичимлик суви тақчиллигидан юзага келаётган хасталиклар туфайли йилига қарийб 2,4 миллион одам ҳаётдан кўз юммоқда. Яна 250 миллион кишида шу омилга боғлиқ турли касалликлар борлиги аниқланган.

2030 йилда сайёрамиз аҳолисининг 47 фоизи сув танқислиги муаммосига дуч келиши тахмин қилинаётир. Биргина Африка қитъасида 2020 йилга бориб иқлимдаги ўзгаришлар туфайли 250 миллионга яқин инсон мазкур муаммо гирдобида қолиши мумкин экан. Ҳозир эса сув танқислиги Африканинг катта қисми, Яқин Шарқ, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёни қамраб бормоқда. Ҳатто ҳудудида йирик дарёлар бўлишига қарамай, Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси ҳам сув етишмаслигини аллақачон ҳис эта бошлаган. Айниқса, Хитойнинг шарқий қисмида сувсизлик муаммоси кун сайин хавотирли тус олмоқда. Мамлакатдаги 600 та йирик шаҳарнинг 550 тасида чучук сув захираси кундан-кунга озайиб бораяпти.

Эксперт ва олимлар глобал сув танқислиги тартибсизликлар, оммавий миграция ва иқтисодий инқироз келиб чиқишига олиб келишини бот-бот тилга олишаётгани янада хавотирлироқдир. Чучук сувдан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланадиган дунёдаги энг йирик компанияларнинг мутахассис ва экспертлари фикри ҳам бу бошоратларга яқинлиги масалага жиддийроқ ёндашишни талаб этмоқда. Жумладан, фаолияти салқин ичимликлар етказиб беришга боғлиқ бўлган “Shell”, “Coca-Cola”, “Procter & Gamble” каби компаниялар мутахассислари яқин 20 йилдан сўнг мураккаб шароит вужудга келишини билдиришган. Айтиш жоизки, сув танқислиги аввалига фақат қашшоқ мамлакатлар муаммоси бўлган бўлса, бугунга келиб, ривожланган давлатлар ҳам бу ҳақда бош қотирмоқда

Долзарб мавзу



Шу ўринда юртимизда сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, 1993 йил 6 майда МДҲга аъзо давлатлар орасида биринчилардан бўлиб юртимизда “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мамлакатимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи саккизта дарё — Қашқадарё, Чирчиқ, Сурхондарё, Зарафшон, Қорадарё, Норин, Амударё ва Сирдарё ҳамда давлат аҳамиятига эга бўлган 11 та ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларни ифлосланишдан муҳофаза қилиш мақсадида ҳукуматнинг ўндан зиёд қарорлари ҳаётга жорий этилди. Қолаверса, сув ресурсларига юртимизда нафақат аҳоли эҳтиёжини қондириш, саноат ва деҳқончиликда муҳим манба сифатида, балки ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва экологик мувозанатни сақлаб турувчи асосий омиллардан бири сифатида ҳам қаралмоқда.

Республикамизда ер ости чучук сувлари, асосан, 77 та манбада мавжуд. Ана шу захираларнинг 34,5 фоизи Фарғона водийсида, 24,6 фоизи Тошкент вилоятида, 18 фоизи Самарқанд, 9 фоизи Сурхондарё, 5,5 фоизи Қашқадарёда, 7 фоизга яқини қолган вилоятлар ҳудудига тўғри келади. 19 та ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган жами 407,36 минг гектар майдонга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақоми берилган. Ер ости ичимлик сувларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектлари фаолияти назоратга олинган.

Бу бизда сув захиралари етарли, ундан хоҳлаганча фойдаланса бўлади, дегани эмас. Дунёда ҳар бир нарсанинг ўлчови бўлганидек, хўжасизларча фойдаланиш бебаҳо неъматнинг кескин камайишига олиб келиши табиий. Қолаверса, глобал тус олган муаммонинг бизга таъсири бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Шу боисдан ҳам обиҳаётнинг ҳар қатрасини тежаб-тергаб, исроф қилмай ишлатиш, келажак авлод онгида сувдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга эътибор беришимиз ва бунга масъул эканлигимизни чуқур ҳис этмоғимиз лозим. Айниқса, иссиқ кунлар бошланиши билан бу масала кун тартибидан муқимроқ жой олади. Чунки сувни битмас-туганмас бойлик, деб биладиган айрим кимсалар обиҳаётни беармон оқизиб машина ювадилар, яна кимлардир полиз экинларини жўмрак тагига қўйиб, уни шу усулда совитадилар. Бу каби исрофгарчиликнинг бир кун уволи тутишини унутмаслигимиз, хўжасизликка йўл қўяётганларга “Менга нима?” деб эмас, “Ундай қилма, сувни тежа” қабилида муносабатда бўлишимиз зарур.

> Халқимизда қониб сув ичилгач, уни келтирган киши “Сувдай сероб бўлинг!” дея алқанади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки кран жўмрагига сув ўз-ўзидан келиб қолмайди. Бунинг учун қанчаданқанча кишиларнинг фидойи меҳнати, катта миқдорда маблағ сарф этилади.
>
> Эзгу тилакнинг яна бир мазмуни шундаки, сув сероб жойда фаровонлик, маъмурчилик ҳукм суради. Бинобарин, набототу ҳайвонот, инсону заминнинг кўркамлиги ва эртаси тириклик неъмати — обиҳаёт билан боғлиқ. Шундай экан, сувни тежанг, унда келажак авлоднинг ҳам ҳақи борлигини унутманг.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай муҳит яратиб берилгани туфайли кичик бизнес субъектларининг сони йил сайин кўпаймоқда. Ташкил этилаётган кичик корхоналар замонавий технологик линиялар билан жиҳозланаётгани эса ички бозорни импорт ўрнини босувчи товарлар билан тўлдириш, айни чоғда экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш имконини бераётир.

КИЧИК БИЗНЕСГА — МОЛИЯВИЙ КЎМАК

Анжуман

Бугунги кунда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 52,5 фоизга етгани, иш билан банд аҳолининг қарийб 75 фоизи мазкур соҳада фаолият юритаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Банк-молия академиясида ташкил этилган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаштириш амалиётини такомиллаштириш” мавзуидаги республика илмий-амалий конференциясида таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан соҳада кўплаб имтиёзлар жорий этилаётгани, айниқса, микромолиялаштириш тизими яхши йўлга қўйилгани муваффақиятлар гарови бўлаётир.

Дарҳақиқат, юртимизда кичик бизнеснинг молиявий ва моддий ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга устувор вазифалардан бири сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг изчил ижроси тадбиркорнинг инвестициявий лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаяпти. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида соҳага тижорат банклари томонидан йўналтирилган кредит маблағлари ҳажми 865,9 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан 159,8 миллиард сўми микрокредитлар бўлиб, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар кўпдир.

Тадбирда сўзга чиққанлар алоҳида қайд этишларича, микромолиялаштириш амалиётининг такомиллашуви, кўп жиҳатдан, соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасига боғлиқ.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Банк-молия академияси, мана, ўн беш йилдирки, тизимга юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, раҳбар ходимларнинг малакасини юксалтириш ҳамда соҳада фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб бориш билан шуғулланиб келмоқда. Академияни бугунги кунга қадар тамомлаган 1658 нафар магистрант жойларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Конференция иштирокчилари тўртта секцияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини такомиллаштириш, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришни фаоллаштириш, бу борада жаҳон тажрибаси илғор ютуқларининг амалий аҳамияти ва солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш каби 62 мавзуда маърузалар тинглаб, муҳокама қилдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, банк-молия тизими ходимлари, депутатлар, профессор-ўқитувчилар, олимлар ва ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТДА «ЯНГИ ЁҒДУ»

Жорий йилнинг 17 май куни «AKFA Lighting» маҳсулот белгиси остида энергия тежовчи лампаларни Ўзбекистонда биринчи ва ягона ишлаб чиқарувчи корхонаси «Neo Sun Light» қўшма корхонаси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорлигида «Янги ёғду» лойиҳасини амалга оширишни бошлади.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад энергия тежовчи лампаларни қундалик ишлатувдаги оддий (накаливания) лампаларга нисбатан анчагина тежамкорлигини эътиборга олиб, энергия тежовчи лампаларнинг хонадонлар ва биноларни ёритишда қўлланилишини кенгайтириш истиқболи, энергия тежовчи технологияларга ўтиш ҳамда электр энергиясидан рационал фойдаланиш тамойилларини ва усулларини ишлаб чиқишга доир жаҳон тажрибасини тарқатиш қилишдан иборатдир.

Лойиҳа доирасида университетнинг 5 факультети, 153 та ҳонадон иборат 2 та бир хил талабалар ётоғонаси танлаб олинди. Уларнинг ҳар бирида барча ишлаш ҳоналарида мавжуд бўлган лампалар «Neo Sun Light» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган «AKFA Lighting» маҳсулот белгиси остида ишлаб чиқилган 20 ваттли жами 220 та лампага алмаштирилади. Имконият этарлича 100 ваттли оддий лампалар (накаливания) билан ёритилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг масъул ходимлари иштирокида ушбу 2 та талабалар ётоғонасининг электр ўлчагичлари кўрсаткичлари олинди. Лойиҳани амалга ошириш 30 кунни ташкил этади ва лойиҳа сўнгида ҳонадонларда тежаб қолинган электр энергиясининг миқдори аниқланади.

Лойиҳа натижаларига кўра, янги маҳсулотни, яъни умумий қарорбоби ҳамда энергия тежовчи лампаларнинг ҳонадонлар ва биноларни ёритишда қўлланилишини кенгайтириш истиқболларига бағишланган тақдимот маросимини ташкил этиш режалаштирилган.

monohrom®
Оргтехника учун қуйидаги ассортиментда
ТОНЕРЛАР, ФОТОБАРАБАНЛАР, КАРТРИЖЛАР, ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР
(ракель, термоплёнка, вал ва бошқалар)
defender
Арзимас пайда-чуйдалар қулайлик яратади.
Клавиатура, оптик «сичқончалар», гарнитуралар, тармоқ фильтрлари, акустика тизимлари, узлуксиз таъминот манбалари, ўйин жиҳозлари.
Маҳсулот сертификатланган
120-02-03
www.monohrom.uz

Setko System Integration. Security
GeoVision
МАГАЗИН-САЛОН LOM
IP ВИДЕОКУЗАТУВ ВА КИРИШНИ БОШҚАРИШ
GEOVISION
кучли таҳлил қилиш воситалари
Автомобилларнинг давлат рақамларини аниқлаш, кейинчалик автоматлаштириш ва хавфсизлик тизимига киритиш учун (шлагбаумни кўтариш, автомобилларнинг тўхтаб туриш вақтини ҳисобга олиш, автомобиль ўтишини қайд этиш ва ҳ.к.).
Марказлашган мониторинг станциясини ташкил этиш, 36 та видео-девор функцияли монитор ва ягона бўлган «Хавфсиз шаҳар» дастури, корпоратив хавфсизлик тизими, ҳаракатни бошқариш назорат тизими каби тизимларга боғланган чексиз архив имконияти ва ҳ.к.
Ҳаракатланаётган объектни пайдо ва уни кузатиш.
Олинган тасвир сифатини яхшилаш (тутун, туман, ёмғир, қор, чангда тушириган).
Кассир иш ўрнининг назорати, POS-терминали, кузатув ва товуш бўйича маълумотларни мужассамлаштирган ҳолда, ёзувни кейинчалик таҳлил қилиш.
Буюртма бўйича.
Тел.: (8-371) 238-99-97. www.geovision.uz

«Potolok-stroy-servis» ХК
Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари
600 x 600 мм, 610 x 610 мм.
Ассортимент — 22 турда.
Тел.: 325-37-77, 370-90-95.

«АТЛАНТ» уй-рўзғор техникаси
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Беларусда ишлаб чиқарилган.
• Музлаткич
• Яхлаткич
• Кир ювиш машиналари
• Мотор-компрессорлар
• Электр чойнаклар, уларга эҳтиёт қисмлар
ТЎПЛАМ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.
Кафолатли хизмат кўрсатиш муддати — 3 йил.
Тел.: (8-371) 241-58-88, 244-86-34, 344-68-66, 457-71-50.
Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур (соб. У. Юсупов) к., 76/7-уй, 1-хонадон.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Умумий хирургия кафедрасининг мудири, доцент Абдуғофур Абдумажидовга волидаи муҳтарамаси
РОБИЯ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Бухгалтерия ҳисоби кафедраси ўқитувчиси Муҳаммад Ҳайитбоевга волидаи муҳтарамаси
ОМОНГУЛ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ИСТИҚЛОЛНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДИМАН...»

... У виолончелда “Чаман ялла” куйини берилиб ижро этгани маҳал беғубор қалбидаги орзу-умидлар, ғурур ва қувончга тўла ҳисларни ҳам куйга солди. Куй ниҳоясига етгач эса ижрочи шарафига “Офарин, Ўзбекистон!” деган олқишлар янгради. Шундан сўнг кўп ўтмай танлов ғолиблари номи эълон қилинди.

Иқтидор

Қувонарлиси, хориждаги муҳташам саҳнада туриб, жаҳонда таниқли санъаткорлардан иборат ҳайъат аъзолари қаршисида, ўттиздан зиёд мамлакатдан келган энг истеъдодли рақиблар орасида куй чалган Малика танловда мутлақ биринчиликни қўлга киритиб, олтин медалга сазовор бўлган эди.

— Жорий йилнинг 28 апрель — 7 май кунлари Италияда бўлиб ўтган “Citta di Barletta” номли 21-Халқаро кўрик-танловда иштирок этиб, ғолибликка эришдим, — дейди Малика Анарматова. — Беллашувда жаҳон классик наволари билан бирга, миллий созларимизда ижро этиладиган куйни ҳам виолончелда чалдим. Ижроим якунига етгач, томошабинлардан тортиб ҳайъат аъзоларигача — барча тик турган ҳолда мени олқишлаганида, кўзларимга ёш келди. Шу пайтда фақат бир нарса кўнглимдан ўтарди. Истиқлолнинг бахтиёр фарзанди эканлигим, озод юртда туғилиб ўсганим, Президентимизнинг юксак ғамхўрликларидан баҳраманд ёшлардан бири сифатида миллий санъатимиз намуналарини, ўз қобилиятимни жаҳон миқёсида намоён этишга муваффақ бўлганлигимдан жуда ҳам фахрландим.

Маликанинг қалбида ифтихор туйғуси жўш урганлиги бежиз эмас. Зеро, истеъдодли ўқувчи Глиэр номидаги республика мусиқа академик лицейида камонли-торли чолғулар йўналиши бўйича таҳсил олиш асосида Россия, Франция, Италия (20-Халқаро “Citta di Barletta” танлови, II ўрин) ва Қозоғистон мамлакатларида бўлиб ўтган 20 дан зиёд кўрик-танлов ҳамда маҳорат сабоқларида иштирок этди. Ушбу халқаро тадбирларда ноёб иқтидорини намоён этиб, ижрочилик маҳорати, тиришқоқлиги сабаб эътирофга сазовор бўлганлиги унинг яна бир катта ютуғидир.

— Шогирдимиз мусиқани юракдан ҳис эта оладиган, санъатга чин дилдан меҳр қўйган салоҳиятли ўқувчилардан бири, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Жаҳонгир Ибрагимов. — Бундай интилувчан ёшлар билан ишлаш биз, ўқитувчиларга ҳам ўзгача завқ бағишлайди. Фахрланиб айта оламизки, ўқув даргоҳида Малика сингари ноёб истеъдодли ўқувчилар кўп. Улар Президентимизнинг юксак ишонч ва ғамхўрлигига муносиб бўлиш истагида астойдил ўқиб-изланмоқдалар.

Дарҳақиқат, бунга ўқув даргоҳида таълим олаётган ёшларнинг ҳавас қиларли ютуқлари мисолида ҳам амин бўлиш мумкин. Ва яна шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, дея баланд марралар сари қатъият билан интилаётган ёшларимиз бундан буён ҳам улкан ютуқ ва муваффақиятлари билан кўнглимизга фахр ҳиссини солаверадилар!

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Италияда бўлиб ўтган “Citta di Barletta” номли 21-Халқаро ёш мусиқачилар танлови ғолиби — Малика Анарматова.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Инсон ўз юрти тарихи, аждодлари ўтмишини қанчалик мукаммал билса, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси шу қадар юксалиб бораверади. Бу борада юртимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳату зиёратлар уюштириш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

МОЗИЙ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Куни кеча пойтахтимиздаги бир қатор корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг қадим ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига уюштирилган саёҳатидан кўзланган мақсад муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш асосида Истиқлол йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишиш эди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!” шиори остида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан уюштирилган ушбу хайрли сафарга тармоқ касаба уюшмалари ишчи ва хизматчилари, талабалар жалб этилди. Саёҳат давомида, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишиб борилди.

Ғамхўрлик

— Самарқанднинг бугунги жамолини кўриб, ҳайратимни яширолмадим, — дейди пойтахтимиздаги 324-умумтаълим мактаби физика фани ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси Муҳайё Жалилова. — Чинакам мўъжиза! Бири-биридан чиройли иморатлар, обод кўчалар, тўкин бозорлар, сўлим хиёбонлар... Одамлар кайфиятидаги кўтаринкиликни айтмайсизми? Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик туфайлидир.

Имом Бухорий мажмуаси, Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда, Бибихоним, Мирзо Улуғбек ёдгорлик мажмуалари, афсонавий Регистон майдони... Очиғи, ушбу қадамжоларга ташриф буюрган ва юртимиз, буюк алломаларимиз ҳамда улар қолдирган бой маънавий мерос ҳақидаги маълумотларни жон қулоғи билан эшитаётган хорижлик саёҳатчиларни кўриб, шу юрт фарзанди эканлигингдан, улуғ алломалар авлоди эканингдан беқиёс фахр ҳиссини туясан, киши.

— Қаердаки инсон қадрланса, ўша ерда ташаббус ҳам, юксалиш ҳам, интилиш ҳам бўлади, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Н. Насимов. — Шу мақсадда уюшма аъзоларининг дам олиш кунларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш борасида бир қатор тадбирларни амалга ошираяпмиз. Самарқандга ташриф, айниқса, эсда қоларли бўлди. Қадим шаҳарда қад ростлаган Истиқлол иншоотлари барчамизни ўзига мафтун этди.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда 3 минг нафардан зиёд пойтахтлик меҳмонлар Самарқанд шаҳрини томоша қилган бўлсалар, мустақиллик байрамига қадар уларнинг сафи 5 минг нафарни ташкил этади. Шунингдек, уюшманинг мингдан зиёд аъзолари Бухоро саёҳатида бўладилар. Бундай ғамхўрлик, ўз навбатида, ҳар бир ходимда унумли меҳнат қилиш иштиёқини янада ошириши, шубҳасиз.

М. ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

Мураббийлар баҳси

Самарқандда “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” республика кўрик-танлови вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда педагоглар 19 та фан йўналиши бўйича ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Танлов жараёнида иштирокчиларнинг билими, малакаси ва тажрибасидан ташқари, уларнинг соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қай даражада жорий қилаётганига ҳам эътибор қаратилди.

Қизғин баҳслар остида ўтган тадбир якунида она тили ва адабиёти фанидан Каттақўрғон туманидаги 13-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Азиза Юнусова, физика йўналиши бўйича Нарпай туманидаги 64-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Муборак Мирвалиева, тарих фанидан Самарқанд шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мадина Зокирова ғолиб, деб топилди. Энди улар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Бахтли болалик» истеъдодларни кашф этади

Хива туманида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши ташаббуси билан миллий ўйинчоқлар фестивали бўлиб ўтди.

“Бахтли болалик” лойиҳаси доирасида 20-Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган ушбу тадбирда “Миллий ўйинчоқлар”, “Ёш ҳунармандлар”, “Менинг севимли қўғирчоғим” мавзуида иншолар, “Миллий қўғирчоқларни асрайлик” мавзуида расмлар танлови ташкил этилди.

300 нафардан зиёд ёш истеъдод соҳиби қатнашган мазкур танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

М. КАРИМОВА.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

Пойтахтимизда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Қитъамизнинг энг кучли полвонлари жам бўлган беллашувлар ҳар қачонгидан кўра қизиқарли ва муросасиз кечди. Эътиборлиси, унда вакилларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқладилар, ўзбек спорти салоҳияти бошқаларникидан асло кам эмаслигини, аксинча, етакчи эканлигини яна бир бор исботладилар.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

«Осиё чемпионати — 2011»

Газетамизнинг ўтган сонларида бу борада қўлга киритилган дастлабки муваффақиятлар ҳақида маълумот берган эдик. Полвонларимизнинг навбатдаги чиқишлари ҳам ёрқин натижаларга бой бўлди. Хусусан, мусобақаларнинг иккинчи кунида эркин кураш бўйича 96 килограмм вазнда гиламга чиққан юртдошимиз, ўн олтинчи Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори Қурбон Қурбонов Хитой вакили Юнбиг Ву, Жанубий кореялик Жа Ганг Ким, қозоғистонлик спортчи Даулет Шабанбай ва эронлик Арфан Амирийни мағлубиятга учратиб, олтин медаль соҳибига айланди. 120 килограмм вазн тоифасида икки карра Олимпиада ўйинлари ғолиби, ҳамюртимиз Артур Таймазов ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. У финалда эронлик таниқли курашчи Комил Неъмат Ҳошимийни ҳар қандай баҳсни безайдиган техник-тактик усулларни ишга солган ҳолда мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, юртимиз эркин курашчилари Осиё чемпионатида учта олтин, биттадан кумуш ва бронза медали билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Юнон-рум кураши беллашувлари ҳам кутилганидек кучли ва соғлом рақобат остида ўтди. Унда термамиз аъзоси Евгений Ачкасов 96 килограмм вазнлилар орасида тенгсиз деб топилди. Евгений бу йўлда қирғизистонлик Озод Эркинбоев, Жанубий кореялик Чанг Гун Ан ва эронлик Довуд Гилниранг устидан ғалаба қозонди. Ватандошларимиздан Элдор Ҳафизов (55 кг.) кумуш, Дилшод Орипов (60 кг.), Азиз Муродов (74 кг.) ҳамда Рустам Султонов (84 кг.)га бронза медали насиб этди. Натижада терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида Эрондан кейин иккинчи поғонадан жой олди. Шу йўналиш бўйича Арсен Эралиев (Қирғизистон), Алмат Кебисбоев (Қозоғистон), Али Муҳамаддий, Муҳсин Ҳошимий, Довуд Акбарий, Башир Бобожонзода (барчаси Эрондан) биринчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар баҳсида эса Кунчиқар юртдан келган Чикако Мацукава (55 кг.), Такако Саито (59 кг.), Каори Ичо (63 кг.), Йошико Иноэ (67 кг.), хитойлик Янан Сун (48 кг.), Шаша Жао (51 кг.) ва қозоғистонлик Гўзал Манюрова (72 кг.) ғолиб бўлди.

— Ўзбекистоннинг турли халқаро спорт мусобақаларини юксак савияда ташкил этишини кўпчилик жуда яхши билади, — дейди хитойлик қитъа чемпиони Шаша Жао. — Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионати буни яна бир карра тасдиқлади. Баҳсларга тайёргарлик кўришимиз, мириқиб дам олишимиз учун барча шароитлар яратиб берилди. Ўзимизни енгил ҳис этдик. Ғолибликка эришишимда нафақат жисмоний ҳолатим, балки кайфиятим ҳам аъло даражада бўлгани муҳим аҳамият касб этди.

Мухлису мутахассислар ҳам бу каби чемпионатларга мезбонлик қилиш Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик шарофатидан эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Саиджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЮРТГА ЭҲТИРОМ — ОЛИЙ САОДАТ

“Туркистон” саройида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” мавзуида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ўқувчи-ёшлар, Меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари қатнашди.

Фестиваль

Тадбирда сўзга чиққан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Б. Ғаниев мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ эртамиз эгалари — ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтидор ҳамда истеъдодини рўёбга чиқариш, қалбида она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш каби эзгу мақсадларга давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинаётганлигини таъкидлади.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан туркум маданий-маърифий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ, “Камолот” ЁИҲ қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда республикамиз бўйлаб “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!” шиори остида ёшлар фестивалларини ўтказмоқда.

Бундай тадбирлардан мақсад мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни ёшларга ҳаётий ва аниқ мисоллар орқали тушунтириш, давлатимиз томонидан йигит-қизларга яратиб берилаётган имконият, шарт-шароитлардан самарали фойдаланишларига кўмаклашиш, иқтидорли ёшларнинг қобилиятини юзага чиқаришдан иборатдир.

Фестивалнинг очилишида ёш ижрочилар ва таниқли санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

О. ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО

(24 май)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 17-22, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 16-18, кундузи 31-33 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5